


ACTUAL PROBLEMS AND SOLUTIONS OF MODERN PHILOLOGY



[Section 1 \(English\)](#)

[Section 2 \(English\)](#)

[Section 3 \(English\)](#)

[Section 4 \(English\)](#)

CONTENT AND LANGUAGE INTEGRATED LEARNING IN TASKS OF PROGRAMMING BY CHILDREN

Davlatyor Mengliev

[pdf \(English\)](#)

THE STORY OF "ALPOMISH" IN ACADEMIC LYCEUM TRAINING ON THE BASIS OF INTEGRATION TECHNOLOGIES

Komiljon Abdullaev

[pdf \(English\)](#)

ON THE PRINCIPLES OF THE ORGANIZATION OF INDEPENDENT WORK MASTERS OF LANGUAGE SPECIALTIES

Fakhriddin Abdurakhmanov, Bakhodir Khamraev

[pdf \(English\)](#)

MODERNIZATION OF EDUCATION - THE FUTURE INNOVATIVE COMPETENCE OF TEACHERS AS A MAIN FACTOR OF FORMATION

Bakhtiyor Siddikov , Baxromjon Djalalov

[pdf \(English\)](#)

DEVELOPING CHILDREN'S SPEECH IN A FOREIGN LANGUAGE THEORETICAL ANALYSIS

G Pulatova, Sh Mamajonova

[pdf \(English\)](#)

ETHNONIES IN THEIR HISTORICAL WORKS AND THEIR ABOUT THE ORIGIN

Azizbek Azimov

[pdf \(English\)](#)

LANGUAGE AND EDUCATION INTEGRATION - INFORMATION SECURITY AS ONE OF THE IMPORTANT FACTORS OF SUPPLY

Bekzod Baidzhanov

[pdf \(English\)](#)

BORROWING AS A METHOD OF REPLENISHMENT DICTIONARY COMPOSITION OF MODERN RUSSIAN LANGUAGE

Maya Tursunova

[pdf \(English\)](#)

INTEGRATION OF LANGUAGE AND EDUCATION IN UZBEKISTAN

Nargiza Musulmonova

[pdf \(English\)](#)

<https://doi.org/10.47100/.v1i2.300>

INTEGRATION OF LANGUAGE AND EDUCATION IN UZBEKISTAN

Наргиза Мусулмонова

+998 91-222-8028

nargizajon75@mail.ru

Аннотация. Тезисда “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида эътироф этилган узлуксиз таълим жараёнига оид асосий йўналишларга муносабатлар акс этган. Шунингдек, 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ва уни таълимга жорий этиш ҳақидаги фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: Она тили, давлат тили, Президент Фармони, узлуксиз таълим, концепция, интеграция, компетенция, ахборот технологиялар, коммуникация, филологик таълим.

Аннотация. В статье отражено отношение к основным направлениям процесса непрерывного образования, признанным в Указе Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в нашей стране». Обсуждается также концепция развития узбекского языка и совершенствования языковой политики в 2020-2030 годах и ее внедрение в образование.

Ключевые слова: Родной язык, государственный язык, Указ Президента, непрерывное образование, концепция, основные направления, интеграция, компетенция, информационные технологии, коммуникация, филологическое образование.



Annotation. The article reflects the attitude to the main directions of the process of continuing education, recognized in the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to further develop the Uzbek language and improve language policy in our country." The concept of development of the Uzbek language and improvement of language policy in 2020-2030 and its introduction into education were also discussed.

Keywords: Native language, state language, Presidential Decree, continuing education, concept, main directions, integration, competence, information technology, communication, philological education.

Тилни мулоқот воситаси ва илм-у маърифат калити сифатида ўрганиш азалий, тарихий мавзулардан биридир. Бугунги кунда, ниҳоят, ўзбек тили ҳеч бир тил кўрмаган эҳтиромга сазовор бўлди. Мамлакатимизда тил – давлат сиёсати даражасига кўтарилиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бошчилигида бир қатор тилшунос олимлар, турли ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳа вакиллари, мамлакатимиз зиёлилари, тилимиз жонкуярлари ва фидойилари томонидан ўзбек тилини дунё миқёсига олиб чиқиш, обрўйини, тарихини қайта тиклаш, ёш авлодни она тилига нисбатан меҳрини ўйғотиш, хориж фуқароларига ҳам тилнинг жозибadorлигини намоён этиш ва унинг аудиториясини янада кенгайтириш масалалари қайта-қайта кўриб чиқилди. Натижада эса, 2020 йил 20 октябрда “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони имзоланди. Унга кўра, ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва кадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат



тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш, Ўзбекистондаги миллат ва элатларнинг тилларини сақлаш ва ривожлантириш, давлат тили сифатида ўзбек тилини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратиш, ўзбек тили ва тил сиёсатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналиш ва вазифаларини ҳамда истиқболдаги босқичлари белгилаб олинди.

Хусусан, 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ишлаб чиқилди. Ушбу концепция барча соҳа вакилларининг зиммасига катта масъулиятларни белгилаб берди. Чунки давлат тилини ривожлантириш биргина тилшунос олимларнинг, фан ўқитувчиларининг ёки мутасадди раҳбарларнинг вазифаси бўлиб қолиши керак эмас. Унга бутун мамлакат, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия бераётган ҳар бир шахс масъулдир.

Ўзбекистонда таълим-тарбия масканларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш масаласи ҳам бугунги кун тартибидаги асосий масалалардан бири бўлиб қолди. Узлуксиз таълим жараёнида мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб, олий ва ундан кейинги таълимда ҳам ўзбек тилини мукамал ўргатиш, аҳолининг тил саводхонлигини ошириш, айниқса, тарбиячи ва ўқитувчиларнинг асосий вазифаларидан бири бўлиши зарур. Республикамизда фаолият юритаётган миллий ва таълим ўзга тилларда бўлган деярли барча ўрта умумтаълим мактабларида она тили ёки ўзбек (давлат) тили фанлари ўқитилади. Мазкур фармонга биноан, 2030 йилга қадар умумтаълим мактабларида ўқув йиллари учун таянч ўқув режаларида ўзбек тили фанини ўқитиш кўламини амалдаги ҳафтада 84 соатдан 110 соатгача ошириш белгиланди. Бу, албатта, фан соатларининг кўпайишига, салоҳиятли кадрлар билан ўқув масканларининг таъминланишига катта замин бўлади. Мамлакатимиздаги кўплаб Олий ўқув юртларида Филология факультетлари мавжуд бўлиб, уларда тайёрланаётган мутахассислар она тили ва адабиёт фанларидан ўқувчиларга сабоқ берадилар.



Шу ўринда бир фикрни эътироф этиб кетмоқчи эдим. Мактабларда ўқитиладиган рус ва чет тиллари кичик гуруҳларга бўлиб, иккитадан ўқитувчи томонидан олиб борилади. Бу азалдан қолиб кетган анъанавий усул. Сабаби, тил ўрганиш бошқа соҳаларга нисбатан ҳам зарур, ҳам мураккаб ҳисобланганлиги сабабли ҳар бир ўқувчи билан индивидуал ишлаш имкониятини яратиш мақсадида собиқ шўро давридан шундай қабул қилинган эди ва бу анъана бугунги кунда ҳам давом этмоқди. Бу, албатта, жуда ўринли. Лекин нега айнан рус ёки чет тилларини ўқитишда шу усулдан фойдаланилади? Ўзбекистонда ўз она тилини ҳам шу тариқа ўқитиш вақти келмадимикин? Тўғри, бугунги кунда кўплаб олимларимиз томонидан тил ўргатишни соддалаштириш, инсон ҳаёти давомида зарур бўлган тил илми, қонун-қоидаларинигина ўргатиш кераклиги ҳақида жуда кўплаб гапириляпти. Бу фикрларга тўла қўшилган ҳолда, ўзбек тилига ҳурмат нуқтаи назаридан, уни чин маънода миллат ватанпарвари сифатида ўрганишда синфларни кичик гуруҳларга бўлиб ўқитиш даври келмадимикин? Миллий мактабларда ўқувчиларга она тилини ғижжалаб ўқитишнинг зарурати йўқ, албатта. Лекин, бошқа тилларни ўрганиши учун замин бўладиган тилни, керак бўлса, шундай ўқитиш керак деб ҳисоблаймиз. Чунки, она тили дарсларида олинадиган ёзма ишлар (диктант, иншо, баён) ўқитувчи томонидан текширилгандан сўнг, хатолар устида ишлаш, ўқувчига кейинги сафар яна шу хатоларни такрорламаслиги учун тушунча бериш тил илмини сингдиришнинг бир қисми ҳисобланади. Бир синфда, камида, ўттизта ўқувчи бўлса, шундан, ҳеч бўлмаганда, йигирматасини ёзма ишдаги хатоларини таҳлил қилиш керак бўлади. 40-45 дақиқа давомида ўқитувчи бунга тўлалигича улгурмайди. Агар синфда (гуруҳда) 10-15та ўқувчи бўлганда эса, барчасининг иши тўлиқ таҳлил қилиниб, ҳаттоки, ҳуснихатига ҳам эътибор қаратишнинг имкони бўлар эди. Ўзга тилли мактабларда ўзбек (давлат) тили фани юқорида айтилганидек кичик гуруҳларга бўлиб ўқитилади.



Республикада фаолият олиб бораётган хусусий мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида ҳам давлат таълим-тарбия масканларида бўлгани каби ўзбек тилининг махсус муаллимлари дарс ва машғулотлар олиб бориш зарурати бугунги кунда сезилмоқда. Мазкур фармоннинг Асосий йўналишларидан бирида яна 2025 йилга қадар давлат мактабгача таълим тизимида амалдаги мактабгача таълим муассасаларининг ҳудудларини кенгайтириш ёки янги қуриладиган муассасалар ҳисобига ўзбек тилли гуруҳлар камровини 72 фоизга, 2030 йилгача эса 80 фоизга етказиш ҳақида ёзилган. Шу ўринда, биз хусусий мактабгача таълим муассасаларида ҳам рус, инглиз, хитой, араб ва бошқа тиллар сингари, айнан ЎЗБЕК тилини болаларга махсус машғулотлар орқали ўргатиш, болаларни қайси миллат вакили бўлишидан қатъий назар, ўзи яшаб турган мамлакатнинг – Ватанининг тилида бемалол ўз фикрини ифодалай олиши, Ватан рамзлари, тарихий шахслари, қадриятлари, шоир, ёзувчи, олим-у уламолари ҳақида маълумотга эга бўлишлари ҳам долзарб ҳисобланади.

Атоқли маърифатпарвар шоир Аваз Ўтар “Тил” шеърисида айтганидек:

Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,

Тил воситаи робитаи оламиёндур...

... Лозим сиза ҳар тилни билув ОНА ТИЛИДЕК,

Билмакка они ғайрат этинг, фоида кондур...

Бугун ёшларимизда кўп тил ўрганишга, хорижда тажриба ошириш, таълим олишга иштиёқлари жуда баланд. Бу мамлакатимиз учун, унинг гуллаб-яшнаши, ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиши учун жуда муҳим, албатта. Аммо, ўз она тилига беписандлик билан қараш, уни ардоқламаслик, бошқа тиллардан паст кўриш, бу – Ватаним деб ёниб яшайдиган авлоднинг иши эмас. Тўғри, қанча кўп тил билса, оламни ўрганиш учун шунча востай робита бўлар, аммо ҳар тилни ОНА ТИЛИДЕК билиш бу ўзга тилни ундан ортиқроқ билиш ёки севиш дегани эмас. Тажрибамиз



давомида шунга гувоҳ бўлганмиз-ки, ҳар қандай тилни тўғридан-тўғри ўрганиб бўлмайди. Маълум бир давлат тилини ўрганиш учун унинг грамматикасини, алифбосини ва сўз захирасини қайсидир ўзига яқин бўлган тил билан қиёслаб ўрганади. Шундай экан, узлуксиз таълим жараёнида ўқитилаётган она тили, ўзбек (давлат) тили фанлари ҳеч бир бошқа фандан кам бўлмаслиги лозим.

Маълумки, Ўзбекистон кўпмиллатли мамлакат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Давлат тили тўғрисидаги қонунда ва бошқа кўплаб қонунларда юртимизда истиқомат қиладиган бошқа миллат вакилларининг тили, дини, урф-одатларига ҳурмат билан қараш алоҳида эътироф этилган. Бу “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида ҳам ўз аксини топган: “Мамлакатимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва элатлар тилларини ривожлантириш мақсадида кенг ва тенг имкониятлар ҳамда уларга давлат тилини ўрганиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш”. Демак, ўзга тил вакиллари учун ўзбек тилини ўргатиш, уни ўз тили баробарида ишлатишга кенг имкониятлар яратиш ҳам бугун асосий эътиборда бўлмоғи лозим.

Ўзбекистонда барча таълим ташкилотлари, хусусан, Олий таълим муассасаларида “Ўзбек тили” кафедралари ташкил этилди. Фармонда эътироф этилишича, 2025 йилга қадар 120 тага, 2030 йилда эса 140 тага етказилиши керак. Кафедра профессор-ўқитувчилари тилни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш вазифасини олдилар. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига интеграциялашувни таъминлаш талаб қилинади. Бу дегани, маънавий эскирган, замон талабларидан ортда қолган ёки жавоб беролмайдиган технологиялар асосида эмас, балки, бугун ёш авлод ўзи учун



хаётининг бир бўлагига айланаётган ахборот технологиялар, коммуникацион қурилмалар орқали тил ўргатишни йўлга қўйиш деганидир.

Ҳозирги кунда бир қанча давлатларда ўзбек тилига нисбатан қизиқиш анча кучайган. Биз буни деярли ҳар ойда ўтказилаётган Халқаро илмий-амалий анжуманлар орқали билиб бораёмиз. Айнан, хорижлик фуқароларнинг ўзбек тилини ўрганишига имконият яратиш, масофавий таълим орқали сабоқлар олиб бориш, ўзбек тилининг таълимий корпусини, платформасини яратиш, луғатларни янгилаш каби бир қанча вазифалар белгилаб олинди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тил ва таълим ўртасидаги интеграция мазкур фармонда кўрсатилганидек, фақатгина белгиланган муддатга қадар эмас, балки доимий мавзуга айланиши ҳамда ўзига барча соҳа вакиллари жалб қилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон республикаси Президентининг “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” фармони. <https://lex.uz/docs/5058351>
2. Аваз. Сайланма. – Тошкент. Гофур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1984. Б. 21.
3. https://n.ziyouz.com/books/uzbek_mumtoz_adabiyoti/Avaz%20O'tar.%20Sayanma.pdf

